

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АХРОРОВ ЗАРИФ ОРИПОВИЧ

**Фойдани солиққа тортиш механизмини
такомиллаштириш**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳар – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ахроров Зариф Орипович

Фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш3

Ахроров Зариф Орипович

Совершенствование механизма налогообложения прибыли27

Ahrorov Zarif Oripovich

Improving the mechanism of taxation of profits51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АХРОРОВ ЗАРИФ ОРИПОВИЧ

Фойдани солиққа тортиш механизмини
тақомиллаштириш

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳар – 2022 йил

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2021.2.PhD/Iqt1160 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте экономики и сервиса.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Зайналов Жахонгир Расулович
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Низметов Исламбек Машарипович
доктор экономических наук, профессор

Агзамов Авазхон Талгатович
доктор философии (PhD) по экономическим наукам,
доцент

Ведущая организация: Ташкентский финансовый институт


Защита диссертации состоится «16» 09 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. (Адрес: 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. Тел: +99871 239-28-72; факс: +99871 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована за номером 1181). Адрес: 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: info@tsue.uz


Автореферат диссертации разослан 30» 08 2022 года.

(протокол реестра № 42 от 30» 08 2022 года.)




Н.Х. Жумаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
профессор


У.В. Гафуров
Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
профессор


С.К. Худойкулов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.э.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон иқтисодиётида кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири солиққа тортишнинг иқтисодий ўсиш билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхоналар фойдасини солиққа тортиш иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили саналади. Хусусан, «2019 йилда ЯИМда корпоратив фойда солиғи улуши Японияда 4,2 фоизни, Канадада 3,8 фоизни, Буюк Британияда 2,5 фоизни, Францияда 2,2 фоизни, Германияда 2,0 фоизни, Италияда 1,9 фоизни, АҚШда 1,0 фоизни ташкил этган»¹. Фойдани солиққа тортиш давлат бюджети ва корхона молиявий-хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир этувчи восита ҳисобланади. Шу боисдан фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳар доимо долзарб масалалардан биридир.

Халқаро миқёсда фойдадан олинадиган солиқнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш, экспорт-импорт муносабатларини тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу билан бирга рақобат шароитида фойдадан олинадиган солиқдан қочиш ҳолатларининг кузатилиши ва уларни бартараф этишга мос қонунчилик нормаларининг жорий қилиниши, бу орқали барча даромадлардан солиқ тўлашга жалб қилишга ҳаракат қилиш чоратadbирлари кузатилмоқда. Шунга кўра, ҳозирги шароитда солиқ юкини изчиллик билан пасайтириш, қулай бизнес юритиш учун ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиш, «яширин» иқтисодиётни кескин қисқартириш, самарали солиқ сиёсатини юритиш, шунингдек фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишларидаги илмий-амалий тадқиқотлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда солиқ соҳасида чуқур иқтисодий ислохотларни олиб бориш шароитида солиқ юкини кескин қисқартириш орқали корхоналарда ўз ихтиёрига қоладиган молиявий ресурслар ҳисобига ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, инвестицион фаолиятни кенгайтириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш устувор йўналишлардан ҳисобланади. «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасида солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади»². Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда рақобатбардошлиликни таъминлашда фойда солиғининг хўжалик субъектлари фаолиятига таъсирини оптималлаштириш долзарб масала ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги вазифалар фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш асосида тадбиркорлик субъектлари қўлга киритувчи фойдани тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишни талаб этади.

¹ Peter G. Peterson Foundation. <https://www.pgpf.org/blog/2021/04/six-charts-that-show-how-low-corporate-tax-revenues-are-in-the-united-states-right-now>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон «Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5232-сон «Умумий оқатланиш ва туризм соҳаларини кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5239-сон «Курилиш материаллари саноатини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фойдани солиққа тортишнинг назарий концептуал асослари ва муаммолари У.Петти, В.Брейтуэйт, А.Вагнер, Ж.Кейнс, Ж.Стиглиц, М.Фридман, Б.Арнолд, Д.Мардиасмо, Р.Муиж, А.Круз, А.Лаффер, И.Александров, П.Акинин, А.Брызгалин, Л.Гончаренко, А.Ильин, И.Майбуров, В.Пансков, А.Перов, Л.Ходов ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ўрганилган³.

³ Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997. – 346 с.; Braithwaite V. Taxing democracy: Understanding tax avoidance and evasion. – Routledge, 2017. – p. 520.; Wagner A. Grundlegung der Politischen Oekonomie. Part 1, vol.1. 3rd ed. – Leipzig. Winter, 1892.; Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. – 352 с.; Stiglitz J. Rewriting the Rules of the American Economy an Agenda for Growth and Shared Prosperity. Columbia Unversity, 2015. – p. 256.; Fridman M. Milton Fridman on Economics: Selected Papers. University of Chicago Press, 2008. – p. 200.; Arnold B.J., Ault H.J., Cooper G. Comparative income taxation: a structural analysis. – Kluwer Law International BV, 2019.; Mardiasmo D. Taxation. Publisher Andi, Revision Edition, 2013. – p. 55.; Mooij R.A., Ederveen S. Corporate tax elasticities; a reader's guide to empirical findings. //Oxford review of economic policy. – 2008. T.24. #4. – pp. 680-697.; Ana M. Cruz, Michael Deschamps and oth. Fundamentals of Taxation 2019 Edition. 12 edition. McGraw-Hill Education, 2019.; Arthur V. Laffer, Ph.D. Stephan Moore. Return to Prosperity: How America can regain its Economics Superpower status by Arthur V. Laffer. New York: Threshold Editions, 2010, p. 336.; Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Дашков и Ко, 2009. – с. 228.; Акинин П.В. Налоги и налогообложение: Учеб.пос. – М.: Эксмо, 2008. – 496 с.; Брызгалин А.В., Федорова О.С. Налог на прибыль: актуальные вопросы из практики налогового консультирования. //Налоги и финансовое право. 2021. №7. – С. 7-111.; Налогообложение организаций: Учебник. Под. ред. Л.И. Гончаренко. – М.: КНОРУС, 2014. – 512 с.; Ильин А.Ю. Налог на прибыль организаций: актуальные вопросы налогообложения. – М.: Проспект, 2021. – 104 с.; Налоговые реформы: Теория и практика. Учебник. Под. ред. И.А. Майбурова, Ю.Б. Иванова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 463 с.; Пансков В.Г. Стимулирование модернизации российской экономики посредством налоговых механизмов. //Экономика. Налоги. Право. – 2013. №1. – С. 64-71.; Перов А.В. Налоги и налогообложение. Учеб.пос. – 8-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт-издат, 2007. – 939 с.; Ходов Л.Г. Налоги и налоговое регулирование экономики: Учеб.пос. – М.: ТЕИС, 2003. – 254 с.

Фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга оид масалаларнинг айрим жиҳатлари ва бюджет даромадларини шакллантиришга доир турли ёндашувлар мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Ашурова, Н.Кузиева, Т.Маликов, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, Ж.Зайналов, А.Мусағалиев, И.Ниязметов, Б.Исроилов, С.Алиева, Д.Пашаходжаева, Д.Абдуллаев, Х.Зарипов, Н.Джулибеков ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган⁴.

Хусусан, И.Ниязметов докторлик диссертациясида фойда солиғи базасини унификациялаш жиҳатларини тадқиқ қилган. Х.Зарипов эса диссертация ишида фойда солиғини натижага йўналтирилган солиқ сифатида, шунингдек маҳаллий бюджетларни қўллаб-қувватлашдаги ўрни масалаларини ўрганган. Д.Абдуллаев томонидан ўзининг илмий изланишларида фойдани солиққа тортишнинг тартибларини такомиллаштиришга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бироқ юқорида келтириб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида фойдани солиққа тортиш масалалари билан боғлиқ маълум бир муаммонинг тадқиқи атрофида корхоналар фаолиятида солиқларнинг ўрни ва таъсири, фойдани ташкил этиш ва тақсимлаш, солиқларнинг макроиқтисодий таҳлили, солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари тадқиқ қилинган бўлса-да, фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши нуктаи назаридан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотлардан кўринадики, бугунги кунда давлат бюджетидан турли йўналишдаги харажатларни молиялаштиришга эҳтиёж ошиб бораётган бир шароитда фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муаммосини алоҳида тадқиқот доирасида чуқур ўрганиш зарур илмий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

⁴ Ашурова Н. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) дисс.автореф. – Т., 2018. – 72 б.; Кузиева Н. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ сифатининг устувор йўналишлари. //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. 2017. №6. – 12 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2007. – 32 б.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарелик. – Т.: Иқтисод-молия, 2021. – 364 б.; Мусағалиев А.Ж. Роль налоговых механизмов в формировании доходов бюджета Республики Каракалпакстан. Монография. – Нукус: Билим, 2020. – 180 с.; Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Т.: Молия, 2017. – 195 б.; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммо ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 270 б.; Алиева С.С. Совершенствование формирования и распределения прибыли предприятий в условиях модернизации экономики (на примере предприятий Самаркандской области). Автореф.дисс. на соиск. ученой степени к.э.н. – Т.: БФА, 2011. – 26 с.; Пашаходжаева Д. Фойда солиғи ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2021. – 57 б.; Абдуллаев Д. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т.: 2021. – 60 б.; Зарипов Х. Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2020. – 64 б.; Джулибеков Н. Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2022. – 57 б.

тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

фойда солиғининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уни солиқ объекти сифатида шакллантиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш;

фойдани солиққа тортишнинг ҳуқуқий жиҳатдан устувор йўналишларини белгилаш;

фойдани солиққа тортиш механизмини амал қилиш тенденциясини бюджет даромадларини ўзгаришига таъсири сабабларини аниқлаш;

фойдани солиққа тортиш механизмининг амал қилиш амалиётини таҳлил қилиш йўналишларини аниқлаш ва шу асосда бу механизмда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар бериш;

фойдани солиққа тортиш тизими амалиётини такомиллаштириш йўллари хориж тажрибалари асосида тадқиқ қилиш;

фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ва тамойиллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фойдасини солиққа тортиш механизми ҳисобланади.

Тадқиқот предметини фойдани солиққа тортиш билан боғлиқ молиявий ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг назарий ва эмпирик усулларида кенг фойдаланилган. Хусусан, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил ва бошқа усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

умумий овқатланиш корхоналарига фойда солиғи бўйича мавжуд қарздорликни ҳамда солиқ бўйича жарима ва пеняларни маълум муддатга қадар фоизларни ундирмасдан тенг миқдорларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш орқали корхона ихтиёрида қўшимча маблағ қолдириш асосланган;

туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш ва шу орқали корхона ихтиёрида қолдирилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таклиф этилган;

цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш таклиф этилган;

меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари бўйича фойда солиғини ҳисоблашда биноларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

«фойда солиғи» тушунчасининг таърифи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг ёндашувларини тадқиқ қилиш асосида такомиллаштирилган;

умумий овқатланиш корхоналарига молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг молиявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш асосланган;

коронавирус пандемияси салбий оқибатида туризм соҳасининг катта зарар кўрганлигини инобатга олиб, уларнинг фаолиятини тиклаш мақсадида турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини камайтириш таклифи берилган;

солиққа тортиш тизимини унификациялаш, шунингдек цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар янада қўллаб қувватлаш мақсадида цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкасини асосий фойда солиғи ставкаси доирасида белгилаш асосланган;

хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва қулай солиқ режимини жорий қилиш мақсадида фойда солиғи базасини камайтириш бўйича амортизация ажратмаларини чегириш ҳолати такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан фойдани солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш орқали уларнинг реал даромадларини юксалтириш ва давлат бюджети даромадлар тушуми самарадорлигини оширишда, бюджет параметрларини белгилашда, солиқларга оид қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқишда, махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация ишидаги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан, илмий фикр-мулоҳаза ва назарий ғоялардан соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, ушбу соҳа ходимларининг малакасини ошириш ҳамда олий ўқув юртларининг «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Юридик шахсларни солиққа тортиш», «Молия ва солиқлар», «Солиқ тизими» каби фанлар ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фойдани солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фойда солиғи бўйича мавжуд қарздорликни ҳамда солиқ бўйича жарима ва пеняларни фоизларни ундирмасдан тенг миқдорларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5232-сон «Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 31 мартдаги 06/04-01-01-37/878-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида умумий овқатланиш корхоналарига маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда фойда солиғи бўйича мавжуд қарздорликни, шунингдек, солиқ бўйича жарима ва пеняларни фоизларни ундирмасдан тенг миқдорларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқини берилган ва маблағларнинг корхоналар ихтиёрига вақтинча қолаётган маблағлардан қўшимча фойдага эришиш орқали давлат бюджетига қўшимча маблағлар тушишига эришилган;

туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 31 мартдаги 06/04-01-01-37/878-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши соҳанинг жадал суръатларда тикланишини таъминлаш, ички туризмни ривожлантириш мақсадида туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари фаолиятини ривожланиш даражасини фойда солиғи имтиёзларидан фойдаланиш бўйича ҳолатини мониторинг асосида ёрқин акс эттириш ҳамда уларга инвестицияларни жалб этиш орқали ривожлантиришнинг амалий асосларининг такомиллашуви таъминланган;

цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5239-сон «Қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 31 мартдаги 06/04-01-01-37/878-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида корхоналар ихтиёрига қолаётган маблағлардан айланмани амалга ошириб қўшимча фойдага эришишга хизмат қилган;

меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари бўйича фойда солиғини ҳисоблашда биноларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 31

мартдаги 06/04-01-01-37/878-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ихтиёрига қолаётган маблағлардан айланмани амалга ошириб қўшимча фойдага эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 5 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, хорижий журналларда 5 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фойдани солиққа тортиш тизимининг илмий-назарий асослари**» деб номланган бўлиб, фойданинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий-назарий ёндашувлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда уни солиқ объекти сифатида шакллантириш зарурати кўриб чиқилган, фойдани солиққа тортиш механизмининг микро ва макроиқтисодиётни барқарор амал қилишига таъсири ва фойдани солиққа тортишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Фойдани солиққа тортишнинг асосий шарти фойдани келтириб чиқаришнинг зарурлиги ва бу борада хўжалик субъектлари молиявий фаоллигини ошириш билан ифодаланган.

Фойдани солиққа тортиш корхоналар молиявий муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, бу жараён юридик шахслар томонидан фойдадан самарали фойдаланиш билан бирга уни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб этади.

Фойда ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини шакллантиришда муҳим ўринга эга. У такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва унинг кенгайтирилишини

таъминлашда мустақил ҳаракат қилиб, иқтисодий категория сифатида шаклланади. Ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида фойда махсус ва умумхўжалик жамғармаларини ташкил этиши билан бирга давлат бюджетини пул маблағлари билан таъминлашда фаол иштирок этади.

Шунинг учун хўжалик субъектларини солиққа тортишнинг муҳим муаммоларидан бири фойда ва солиқ ставкаси ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш муаммоси ҳисобланади. Бу муаммо назарий ёндашувларда кўпгина фан намоёндалари диққатини тортган. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бу муаммо ҳам назарияда, ҳам хўжалик субъектлари амалиётида ҳам нафақат фойдани шакллантириш ва тақсимлаш заруратини, шу билан бирга уни солиққа тортишни ҳам долзарб масалага айлантиради.

Шундай қилиб, фойда солиғининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тушуниш учун у билан боғлиқ молиявий ресурслар ҳаракатининг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтиш эътиборга моликдир:

1. Барча солиқларга хос хусусият сифатида фойда солиғи бўйича ҳам тўловчи ўз фойдасидан солиқни давлат бюджетига тўлаган ҳолда унинг ўрнига ҳеч қандай моддий кўринишда наф олмайди. Балки қонун йўли билан белгилаб қўйилган миқдорда ва муддатда ҳисобланган фойда солиғини ўтказди. Бу хизмат учун тўлов, рухсатнома (лицензия) ва бошқа шунга ўхшаш тўловлардан фарқ қилади.

2. Фойда солиғининг оптимал ставкаси белгиланиши ва маълум бир жамғармага келиб тушиши таъминланади. Бу давлат бюджетининг керакли миқдорда тўлдирилиши ва солиқ тўловчилар манфаатларига мос ҳолда ундирилиши билан изоҳланади.

Корхоналар фойда солиғининг мазмуни молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойданинг маълум бир қисмини давлат бюджетига ўтказилишида юзага келадиган муносабатларда намоён бўлади. Шу боис «фойда солиғи» тушунчасига қуйидагича таъриф шакллантирилди: «Фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми сифатида фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида уни давлат бюджети ихтиёрига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушунилади»⁵.

Хуллас, фойда солиғи механизми солиқ муносабатларининг қонун-қоида ва воситалари тўпламидан иборат бўлиб, улар ёрдамида солиқ сиёсатининг мақсадига эришиш таъминланади⁶. Фойда солиғининг ташкил этилиши барча элементлари, усуллари ва тамойиллари тўплами, яъни ўз навбатида, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ тўлаш муддати ва бошқаларни ўзида акс эттиради.

Фойдани солиққа тортиш механизми фойда солиғи элементларини тизимли амалиётга татбиқ этилиши улардан самарали фойдаланишни ифодалайди. Шу боис фойдани солиққа тортиш механизмидан шундай

⁵ Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахоров З.О. ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2021. – 63 б.

⁶ Данченко М.А. Налогообложение. Учеб.пос. – Томск: ТГУ, 2015. – с. 78.

фойдаланиш лозимки, турли даражадаги бюджет даромадларига фойда солиғи ўз вақтида тушиши, улар бир вақтнинг ўзида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали юқори фойда олишни ҳам таъминлашга туртки бўлиши мумкин.

Фойда олиш ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ва ижтимоий мақсадларини амалга оширишга ёрдам бериш, шунингдек турли даражадаги бюджет даромадларини ошишига замин яратади.

Фойда солиғи бевосита солиқ сифатида тан олиниб, у маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) соҳасидаги инвестицион жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек капиталнинг қонуний ошишини кафолатлайди⁷. Фойда солиғининг фискал функцияси, айниқса, иқтисодиётнинг инқирозли шароитларида муҳим ҳисобланади.

Фойдани солиққа тортиш моҳиятини тушунишда фойданинг турли кўринишларини фарқлаш лозим. Фойдани солиққа тортишдаги солиқ базасини аниқроқ тасаввур этиш учун қуйидаги 1-жадвални келтирамиз:

1-жадвал

Фойда солиғи базасини ҳисоблаб чиқиш босқичлари⁸

Босқичлар	Кўрсаткичлар	
Ялпи фойда	Маҳсулот (иш, хизмат) реализациясидан олинган фойда (зарар)	Реализация қилишдан ташқари олинган даромадлар
Чегирилади	1. Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари: - моддий харажатлар; - иш ҳақи харажатлари; - ижтимоий харажатлар; - амортизация харажатлари; - бошқа харажатлар. 2. Асосий фондлар реализация бўйича харажатлар	Реализация таркибига киритилмайдиган харажатлар: - асосий фаолият бўйича олинган кредитлар бўйича фоизлар; - қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар; - салбий валюта курси фарқи; - реклама харажатлари; - бошқа харажатлар
Солиққа тортиладиган фойда		
Чегирилади	Солиқ қонунчилигида белгиланган фойда солиғи бўйича имтиёзлар	
Фойда солиғи базаси		

Юқоридаги 1-жадвалдан кўриш мумкинки, корхона молиявий менежери ўз диққат-эътиборини маҳсулот таннархига, шунингдек солиқ чегирмаларига қаратган ҳолда соф фойда миқдорини оширишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, корхона молиявий менежерида маҳсулот таннархига қилинган харажатлар ва эҳтимолий солиқ имтиёзларини қўллаш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, корхона менежери корпоратив молия стратегиясини олиб боришнинг келгусидаги таҳлилини тахмин қилишда фойда солиғини режалаштиришга алоҳида урғу беради.

⁷ Абдуганиева Г.К., Бабабекова Н.Б. Прогнозирование налогов. Учеб.пос. – Т.: Tafakkur bo'stoni, 2012. – С. 108.

⁸ Меъёрий-норматив ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Дастлаб солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи қабул қилинди ва у бевосита солиқлар таркибига киритилди. Бу солиқ тури корхоналар молиявий фаолиятига бевосита таъсир эта бошлади. Давлат бюджетининг тўлдириши йўналишидан келиб чиқиб, бундай солиқ тури умумбелгиланган солиқлар қаторига киритилди. Шу тариқа юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатида эътироф этила бошлади. Шунингдек, у корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолди.

2015-2022 йиллардаги бюджет даромадларига назар ташланса, фойда солиғи миқдори ошиш тенденциясига эга бўлган бўлса, унда унинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши турлича ўзгарди (1-расм). Жумладан, 2021 йилда фойда солиғи миқдори 38363,0 млрд. сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 37182,5 (38363,0-1180,5) млрд.сўмга, яъни 32,5 баробарга кўпайган эди. Буни солиқ солинадиган база кенгайиши билан изоҳлаш мумкин. Бюджет даромадлари таркибида фойда солиғининг улуши 2021 йилда 23,3 фоизни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 20,1 фоизга кўпайган.



1-расм. Фойда солиғи миқдори ва унинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши динамикаси⁹

1-расмда келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, фойда солиғи бюджет даромадларига нисбатан энг катта кўрсаткичи 2021 йилда қайд этилди, яъни 23,3% (ёки 38363,0 млрд. сўмни ташкил этди). Давлат бюджети даромадлари таркибида фойда солиғи салмоғи ошишини бундай солиқ тури бўйича солиқ тўловчилари сони ошганлиги билан боғлаш мумкин. Фойда солиғи тўловчилар сони кескин ошишининг асосий омили солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида йиллик айланмаси (тушуми) 1 млрд. сўмдан ошган корхоналарнинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилганлиги ҳисобланди.

⁹ www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари

Бугунги кунда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва унга ихтисослашган корхоналар тармоғи кенгайиб бораётган шароитда цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойда солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунга асос сифатида қуйидагиларни келтириш лозим:

Биринчидан, солиққа тортиш тизимини унификациялаш, солиқ маъмурчилиги ва солиққа тортиш тартибларини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш мақсадида фойда солиғи ставкаларини бир хил унификациялаш лозимлиги асосланган.

Иккинчидан, бошқа тадбиркорлар сингари цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, соҳада яширин иқтисодий амалга ошириш билан боғлиқ тадбиркорликнинг олдини олиш ва қонуний ишлашни рағбатлантириш лозим деб топилган.

Учинчидан, фойданинг солиққа тортиш борасида жаҳон миқёсида 15 фоиздан пастга туширмасликка ҳаракат мавжудлиги асосланган.

2-жадвал

2019-2021 йилда цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар фойда солиғи¹⁰, млрд. сўмда

Т/р	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Фойда солиғи базаси	5 815,6	12 679,3	6 660,7/513,8
2.	Фойда солиғи ставкаси, %	20	20	20/15
3.	Корхона ихтиёрида қолган солиқ суммаси	0	0	25,7
4.	Бюджетга ўтказилган солиқ суммаси	1 163,1	2 535,9	1 076,2
5.	Цемент ишлаб чиқарувчилар сони, та	32	37	34

2-жадвал маълумотларига кўра, 2019-2021 йилларда республикадаги 30 дан ортиқ цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчилар мутазам равишда фойда солиғини бюджетга ўтказиб келган. Бироқ бу фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 1 октябрдаги белгиланган ставканинг 15 фоизга туширилиши 25,7 млрд. сўмлик маблағларнинг корхоналар ихтиёрида қолдирилиши ва корхоналарнинг айланма маблағларига қўшимча равишда жалб этишга имконият яратган ҳолда унга тенг миқдорда қўшимча фойдага эришишга олиб келган.

Қурилиш материаллари саноати соҳасига тааллуқли цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчи корхоналар учун фойда солиғи ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга пасайтириш эса мазкур соҳа корхоналарини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бундай фойда солиғи ставкасини пасайтириш натижасида камида ҳар бир календарь йилида 1,8 млрд. сўмлик маблағ корхоналар ихтиёрида қолдирилиши бундай миқдордаги маблағларни корхоналарнинг айланма маблағларига қўшимча равишда жалб этишга имконият яратган ҳолда унга тенг миқдорда қўшимча фойдага эришишга имкон яратилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

Диссертациянинг «Фойдани солиққа тортиш механизмининг амал қилиш амалиёти ва таҳлили» деб номланган иккинчи бобида корхоналарда амалга оширилувчи фойда солиғи билан боғлиқ солиқ муносабатлари таҳлили ва амалиёти ёритилган. Шунингдек, фойда солиғининг ортиш тенденцияси таҳлил қилинган, инвестицияларни жалб этишда фойда солиғидан фойдаланиш амалиёти ўрганилган. Бунга кўра бюджет даромадлари таркибида фойда солиғининг ўрни ва уни ошириш имкониятлари таҳлил қилинган. Шу билан фойдани солиққа тортиш механизмининг микро ва макроиктисодиётнинг барқарор амал қилишига таъсири таҳлил қилиниб, фойда солиғи муносабатларини тартибга солиш даражаси баҳоланган ҳамда солиқ тизимининг умумий ривожланишига таъсир этувчи омиллар ёритилган.

Фойда солиғини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлардан кўзда тутилаётган натижалардан бири бундай солиқ солинадиган базани кенгайтириш ҳисобланади. Фойда солиғи тушумлари 2022 йилда 38,6 трлн. сўм деб прогноз қилинган ва 2021 йилда 38,4 трлн. сўмни ёки ЯИМнинг 5,6 фоизни ташкил этган (2-расм).



2-расм. 2018-2022 йилларда фойда солиғи тушуми ЯИМга бўлган нисбий динамикаси¹¹

Турли соҳа корхоналарида олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш уларни баҳолаш орқали куйидагиларга дуч келинди:

корхона ихтиёрида солиқ тўловларини тўлашдан сўнг қоладиган фойдадан фойдаланишни устувор йўналишлари мавжуд эмаслиги;

корхона фойдасини тақсимлашда унинг аксарият қисмини тадбиркор манфаатлари ёки маъмурий кўрсатмаларга асосан фойда олиш мумкин бўлмаган йўналишларга жойлаштирилиши;

корхона фойдасини у ёки бу соҳаларга жойлаштириш бўйича молиявий қарорлар қабул қилгунча қадар уларни банк депозитларида сақлаш ва қўшимча фоизлар олиш билан боғлиқ даромадлар миқдорини маблағларни ишлаб чиқаришга жойлаштириш орқали олиниши мумкин бўлган даромадлардан кам бўлиши;

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018-2022 йиллардаги маълумотлари

корхона ихтиёрида қолдирилган фойда миқдорининг камлиги эса қолдирилган маблағларни инвестицион жараёнларга жойлаштиришга етарли эмаслиги ёки шу маблағлар орқали инвестицион жараёнларни рағбатлантириш имконияти камлиги;

корхона ихтиёрига қолдирилган маблағларни етарли даражада ишчи-хизматчиларни қўшимча равишда рағбатлантиришга сарф этилмаслиги ва бунинг оқибатида улар даромадларини оширишга интилмаслик билвосита улар томонидан бюджет даромадларига тўланувчи фойда солиғининг ортиш тенденциялари кузатилмаслиги ва ҳ.к.

Шу ўринда айтиш лозимки, коронавирус пандемияси шароитида ва унинг таъсирида кўрилган зарарларни бартараф этиш шароитида асосан савдо, умумий овқатланиш ва туризм корхоналари ўз фаолиятини тўхтатиши сабабли катта зарарларга дуч келиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадида қарздорликни тўлаш муддатлари кейинги ойларга кўчириб бориш борасида қарорлар қабул қилинган бўлса-да, жиддий молиявий йўқотишларнинг олдини олишга тўлиқ имконият яратилмаганлиги боис маҳаллий бошқарув органларини бундай корхоналар фаолияти устидан назорат олиб борилишини янада соддалаштириш муаммосини кун тартибига қўйди. Жаҳон амалиётида солиқ турлари бўйича кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқини берувчи асослар мавжуд (3-расм).



3-расм. Жаҳон амалиётида солиқ турлари бўйича кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқини берувчи асослар¹²


Бундай муаммонинг олдини олиш мақсадида муаллиф томонидан таклиф этилган тўловларни эътиборга олиши, шу жумладан, номлари тилга олинган корхоналарни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормай, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда бир қатор солиқлар сингари фойда солиғи бўйича 2021 йил 15 август ҳолатига мавжуд қарздорлик, шунингдек, солиқ бўйича жарима(пеня)ларни 2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар фоизларни ундирмай, тенг миқдорларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқини бериш юқорида номлари келтириб ўтилган корхоналар, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари молиявий фаолиятини тиклаб

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

олиш, шу билан бирга улар ихтиёрида вақтинча қолаётган маблағлардан айланмани амалга ошириб, қўшимча фойдага эришишга имконият яратилди.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида солиқларнинг таъсири солиқлар орқали тартибга солиш жараёнида амалга оширилади. Солиқлар орқали тартибга солиш корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти ва умуман иқтисодиётга давлат аралашувига қаратилган солиққа тортиш соҳасидаги махсус чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Давлатнинг бундай аралашуви иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Фойда солиғи механизмини танлашда, аввало, мамлакат иқтисодиёти олдида турган ва солиқ сиёсатини оқилона юритиш билан ҳал қилинувчи асосий вазифаларга таяниш керак (4-расм). Бундай вазифаларни ҳал қилиш иқтисодиёт ривожини таъминлашга хизмат қилади.



4-расм. Мамлакат солиқ сиёсатини оқилона юритишнинг асосий вазифалари¹³

Солиқ сиёсати инвестицион фаолиятни рағбатлантириш шароитлари ва имкониятларини яратибгина қолмасдан, солиқ тўловчиларни иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни янгилашга мажбур қилиши лозим¹⁴.

Фойда солиғи ва инвестиция фаолиятини тўғри олиб бориш давлат солиқ ва инвестиция сиёсатини юқори натижавийлигини таъминлашга хизмат қилади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон амалиётида ҳам инвестицияларни киритишда солиқ қонунчилигида келтирилган имтиёзлар ва преференциялардан тўғри ва самарали фойдалана олмаяптилар. Улар солиқ имтиёзларидан фақатгина ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, мамлакат иқтисодиёти учун кучли ривожланиш йўларини таъминлашга ҳаракат қилмаяптилар. Инвестицион фаолиятни солиқлар

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

¹⁴ Пансков В.Г. Стимулирование модернизации российской экономики посредством налоговых механизмов. // Экономика. Налоги. Право. 2013ю №1. – С. 67.

орқали рағбатлантиришда уларнинг мониторинг, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириб, самарасиз, фойда келтирмайдиган, эскирган имтиёзларни кўриб чиқиш, инвестицион фаолият бўйича аниқ солиқ имтиёзларини бериб, уларнинг сонини оширишга ҳаракат қилмаслик, асосий капиталга инвестицияларни оширишга хизмат қиладиган солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Фойда солиғини аниқлаш корхонанинг молиявий фаолияти натижасига, аниқроғи корхона раҳбарияти назорати остидаги омилларга боғлиқ бўлса-да, солиқларни режалаштириш масалалари солиқ базаси ҳисоб-китоблари билан боғланган. Бу масалаларни иккита катта гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Фойдани аниқлаш:

- ялпи фойдага киритилмайдиган даромадлар;
- корхонанинг турли тўлов (харажат)ларини таснифлаш;
- солиққа тортиладиган фойдага даромадларни кўшиш вақти.

2. Эҳтимолий чегирмаларни аниқлаш:

- корхона капитализациясига қарши бўлган чегирмаларни асослаш;
- зарар ёки йўқотиш сифатидаги махсус чегирмаларни асослаш;
- дивиденд (фоиз) кўринишида корпоратив тўловларни режалаштириш.

Корхона охириги молиявий натижасини шакллантиришда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатларни тўғри аниқлаш муҳимдир. Таннархнинг тўғри аниқланиши фойда солиғи ҳисобининг муҳим босқичи ҳисобланади. Таннархнинг пасайтирилиши бир томондан, фойда миқдорини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан фойда солиғи суммасини оширади. Солиқ органлари томонидан фойда солиғи базасини қасддан камайтиришга олиб келинган ҳолатлар аниқланса, молиявий жарималарни қўллаш чоралари кўрилиши белгилаб қўйилган¹⁵.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини таъминловчи ва келгуси фаолиятига таъсир этувчи, шунингдек, давлат бюджетини маблағ билан тўлдирувчи манбалардан бири фойда ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси бюджетга тўланувчи фойда солиғининг объекти ҳисобланади. Республикада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга тўланаётган фойда солиғи ошиш тенденциясига эга бўлмоқда. Шу билан бирга, унинг бевосита солиқлардаги ҳиссаси ҳам ошиб бормоқда (3-жадвалга қаралсин).

Бу жиҳатдан Д.Мардиасмо ҳам, фойда солиғини фойда билан боғлайди. У фойда солиғи қонунчиликда кўрсатилган субъектив шартлар ва объектив талабларга риоя қилингандаги солиқ тўловчилардан олинади деб изоҳлайди¹⁶.

Фойда солиғи корхонанинг охириги молиявий натижаларига боғлиқлиги сабабли корхона инвестицион жараёнлари ва капитал ҳажми ошишига таъсир

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. 346-модда

¹⁶ Mardiasmo D. Taxation, Publisher Andi, Revision Edition, 2013. – p. 55.

кўрсатади. Корхоналар учун бир томондан, фойда солиғи асосий солиқ тури ҳисобланса, иккинчи томондан, асосий солиқ юки бўлиб ҳам ҳисобланади.

3-жадвал

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида фойда солиғининг бевосита солиқлардаги ҳиссаси¹⁷

№	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. (прогноз)
1.	Бевосита солиқлар, млрд. сўм	15656,2	31676,8	40584,6	58930,0	63331,0
2.	Фойда солиғи, млрд. сўм	3502,2	16360,6	22058,7	38363,0	38557,0
3.	Фойда солиғининг бевосита солиқлар-даги ҳиссаси, %	22,4	51,6	54,4	65,1	60,9

Коронавирус пандемияси шароитида жиддий зарар кўрган соҳалардан бири туризмдир. Бу даврда туристлар оқими сезиларли даражада қисқарди.

Ҳозирги кунда туризм соҳаси ривожини рағбатлантириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Бунда фойда солиғи бўйича бериладиган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонга ташриф буюрувчи туристлар оқими пасайиши ва унинг тўлиқ тўхташи туризм хизматлари экспортини қисқаришига олиб келди. 2020 йил март ойининг иккинчи ярмидан авиақатновлар тўхтатилиши мамлакатга келувчи хорижий туристлар оқими қисқаришига, 1 апрелдан барча чегара пунктларининг ёпилиши эса туристлар оқими тўлиқ тўхтатилишига олиб келди. Бунинг натижасида 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга келган туристлар 1,21 млн. нафарни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу давридаги кўрсаткич(3,03 млн.)га нисбатан 2,5 баробар паст кўрсаткични ташкил қилди. Ўз навбатида, туризм хизматлари экспорти ҳажми 203,8 млн. долларни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу давридаги кўрсаткич(590,5 млн.)га нисбатан 2,5 баробар паст кўрсаткични ташкил қилди¹⁸.

Умуман, туризм корхоналари фаолиятини Самарқанд шаҳридаги йирик туроператор молиявий фаолияти мисолида кўриб чиқиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Самарқанд шаҳридаги Central Asia Turist Icoming Agency (C.A.T.I.A.) МЧЖнинг 2018-2021 йиллардаги молиявий фаолияти¹⁹, млн. сўмда

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	10443,1	29594,4	1035,5	4160,6
2.	Фойда солиғи	529,9	98,3	0	41,8
3.	Соф фойда	40,0	8473,2	-2098,6	68,3

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрь ЎРҚ-657-сонли «2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни; Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрь ЎРҚ-742-сонли «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари.

¹⁹ Central Asia Turist Icoming Agency МЧЖнинг 2018-2021 йиллардаги молиявий ҳисобот маълумотлари

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, мазкур туроператор коронавирус пандемияси даврида соф фойдага эриша олмаган.

Мамлакатимизда ҳам пандемия бу соҳани четлаб ўтмаганлиги учун фаолият юритаётган туризм корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чоралар кўрилди. Умуман, туризм корхоналарини давлат томонидан солиқлар орқали қўллаб-қувватлашнинг икки йўналиши мавжуд:

1. Туризм корхоналарига солиқ имтиёзлари тақдим этиш.

2. Маълум бир сабаблардан келиб чиқиб, солиқ қарзларини маълум муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлашга рухсат бериш.

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири натижасида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини сақлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига кўра туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида, туризм соҳасини «қайта жонлантириш» учун туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Натижада, ички туризмни ривожлантириш мақсадида туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари фаолиятини ривожлантириш даражасини фойда солиғи имтиёзларидан фойдаланиш бўйича ҳолатини мониторинг асосида аниқ акс эттириш ҳамда уларга инвестицияларни жалб этиш орқали ривожлантиришнинг амалий асосларининг такомиллашуви таъминланади.

Бунинг натижасида туризм соҳасининг жадал суръатларда тикланишини таъминлаш, ички туризмни ривожлантириш, туроператорлар, турагентлар ва шунингдек, жойлаштириш воситалари фаолиятини ривожлантириш даражасини фойда солиғи имтиёзларидан фойдаланиш ҳолатини мониторинг асосида аниқ акс эттириш уларга инвестицияларни жалб этиш бевосита мазкур соҳа корхоналарини ривожлантириш имкони яратилади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш»** деб номланган бўлиб, фойдани солиққа тортиш амалиётининг хориж тажрибалари ўрганилган ва таҳлил қилинган, шунингдек, миллий солиқ тизимида қўллаш мумкин бўлган жиҳатлар ёритилган. Шунингдек, фойдани солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

